

СССР УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон СССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН 28 июль 1972 йил, жума № 175 (15.346). ♦ Баҳоси 2 тийин.

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТ САМАРАЛАРИ

Бир-биридан мазмундор йилларимизнинг ўзига хос ажойиб ғажалари бор. Тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳам Ватанимиз тарихига, мамлакатимиз соҳнасида алоҳида мазмун бахш этди. Чунки бу йил СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг олтин тўйи нишонланади. Шу боисдан ҳам бутун мамлакат меҳнат аҳли, тенг ҳуқуқли республикаларнинг ҳур ва эркин аъзоларидан бири бўлган советлик Ўзбекистонимиз меҳнатқашлари бу йилни янги-янги зафарлар билан нишонлашга азму қарор қилганлар.

Кўни неча газеталарда СССР ва Ўзбекистон ССР ҳалқ ҳўжалигининг ривожлантириш давлат планининг 1972 йил биринчи ярмида баъжарилиш ақунлари ҳақидаги Аҳборотлар эълон қилинди. Бу ҳўжжатларда экономикаимиз тараққийетини акс эттирувчи шундай рақамлар битилган, уларнинг ҳар бири ўсиш, юксалишимизнинг, камолот сари дадил юришимизнинг илҳомбахш симфонияси бўлиб янрайди.

Мамлакатимиз ҳалқлари кўтлуг байрамга тайёргарликни авж олдириб, социалистик мусобақа байрогини баланд кўтардилар. КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларни кўлга киритдилар. Саноатимиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан салкам 7 процент кўпайтириб, меҳнат унумдорлигини қарийб 5,5 процент оширди. Бу рақамлар заминда нималар ётганлигини кўйдаги қиёсашлардан янқол кўриб олиш мумкин. Ярим йил мобайнида СССР бўйича ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан 32 миллиард киловатт-соат электр энергияси, 11 миллион тонна нефть, 2,6 миллион тонна пўлат, 33 минг тонна химия тодалари, 14 минг тона юн машиналари ва автобуслар, 102 минг тона енгил машина, 2 миллион тонна цемент кўп ишлаб чиқарилиди, мана шу миқдордаги маҳсулотни баъзи бир мамлакатларнинг мамани саноати ҳам берол маъди.

Республикамиз саноатининг одимлари ҳам қачин бўлмапти. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида янги куватлар, Навоий ГРЭСида сотига 420 тонна буқ чиқарадиган қозон, енгил саноат ва пахта тозалаш саноатида янгиобъектлар ишга туширилди.

Қишлоқ ҳўжалигимиз партия XXIV съезди белгилаб берган режалар асосида тобора юксалмоқда. Ўтган ярим йил мобайнида мамлакат қишлоқлариға 151 мингта трактор етказиб берилди. Бу уринда доҳиймиз В. И. Лениннинг Совет ҳўкимияти иди йиллари, даги бир орзусини эсламай юлм юқ. Ўшанда Илчин: қани энди энг минг трактор етказиб берсан, деҳқонларнинг барчаси коммунизм тарафдориман, деб айтган бўлур эди, деганда. Бугунги кунда саноатимиз ярим йилдаёқ доҳий орзу қилганидан бир ярим ҳисса кўп трактор ишлаб чиқармоқда! Биргина республикамиз қишлоқ ҳўжалиги Шу ярим йилда 6,2 минг трактор, 1,2 минг юн машинаси, 500 га яқин қон қомбайни, 3,6 минг плуг, 4,7 минг культиватор, 2,3 минг трактор сепласи ва бошқа машина ҳамда механизмлар олди.

Шунга праща деҳқончилик маданияти ҳам тобора юксалмоқда. Ҳўзир қишлоқ ҳўжалигимиз йигирмачи йиллардаги аҳволдан тудан фарқ қилади. Ҳар гектар ерда олинадиган ҳосил бундан ярим аср илгари пудлаб ҳисобланса, ҳўзир центнерлаб, тоналлаб ҳисобланадиган бўлиб қолди. 5,6 центнерга етар-етмас пахта берадиган ерларимиз бугунги кунда ишчилар синдининг катта мадади, азамат деҳқонларимизнинг фидокорлиги тўғрйли 25,30 центнер ва ундан ҳам юқори «оқ олтин» ҳада этмоқда. Ярим йил ичидидаги мамлакат деҳқонлариға 27 миллион тонна, шу жумладан Ўзбекистон деҳқонлариға 2 миллион 181 минг тонна минерал ўғит етказиб берилди.

Саноат, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришидаги, транспорт ва алоқа ташкилотлари фаолиятидаги, капитал курилиш ва бошқа соҳалардаги муваффақиятларимиз ҳалқ турмушини янада фаровон қилиш имониантиларини кенгайтирди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи кўпайди, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ ошди. Колхозчилар ва аҳолининг ўз кучи билан куриб олган иморатларини ҳисобга олмаганда ҳам 550 мингга яқин оила ҳўвли тўйлари ўтказди.

Буларнинг ҳаммаси ҳар биримизнинг қалбларимизни ченсиз қувонч, буюк Ватанимиз билан беҳад фахрлиниш тўғрйлиға тўлдирди. Лекин биз ютуқларға маҳлиб бўлиб юлмаслигимиз, умумий юксалиш соҳнадаги нуқсонлардан кўз юммаслигимиз керак. Республика саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш етти ойлик планини ҳам мўддатидан илгари баъжариб қўйганиға қарамай, йилнинг биринчи ярмида бир қанча муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш планлари баъжарилиш нолди. Минерал ўғит, ип-газлама, юкдотер маҳсулотлари ва бошқа ярим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш топириқлари баъжарилиди. Баъзи норхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини намайтириш топириқларини урдалай олмадилар. Транспорт соҳасида юк вагонларининг унумдорлиги намайиб, вагонларнинг беқор туриши кўпайиб кетди, вагон обороти пасайди. Автомобиль транспорти ҳам юк обороти ва пассажир обороти планларини баъжармади. Авиацияда юк ташвиш ярим йиллик плани 97 процентда қолдиб кетди.

Бу ва шунга ўхшаш наъмчиллар тегишли министрликлар ва идоралар уларға қарашли қорхона ва муассасалар фаолиятини янада яхшилашни тақозо этди. Вазифа — ҳалқ ҳўжалигининг бирор соҳасида, бирорта асосида ҳам планининг баъжарилимай қолмиш ҳоллариға барҳам беришдан иборат.

Давлатимиз ҳалқ ҳўжалигини ривожлантиришға кўпалаб капитал маблағ сарфламоқда. Ярим йил мобайнида ҳалқ ҳўжалиғига 33,9 миллиард сўм, шу жумладан республикамиз ҳалқ ҳўжалиғига 1,3 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди. Партияимиз ленинча миллий, сивастий изчил амалға оширавётганлигини экономикаимиз муҳим кўрсаткичи бўлган мана шу капитал курилишдаги ўсиш ҳам яққол кўрсатиб турбиди. Агар мамлакат бўйича ҳалқ ҳўжалиғига сарфланган капитал маблағ ўтган йилнинг шу давридагидан 6 процент ошган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 9 процентни ташкил етди. Бошқа соҳалардаги юксалиш рақамлари ҳам шунга ўхшашдир.

Беш йиллик планларини баъжаришда кўлга киритаётган ютуқларимиз КПСС XXIV съезди Директиваларида қўйилган вазифаларни муваффақиятли баъжарилаётганлигидан далолат беради. Партия, совет, қасаба союзи, комсомол ташкилотларининг бурчи — эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашдан, асосий диққатга эътиборини олдимизда турган янги, улкан вазифаларни баъжаришға қаратишдан, бу борда умумҳалқ социалистик мусобақасини авж олдириб, бутун меҳнат аҳлини коммунистни курилишининг улғувор ишлариға сафарбар этишдан иборат.

«КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида республикадаги меҳнатқашлар депутатлари Советларининг вазифаларни тўғрйсида Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори Андижон областида қандай баъжариляпти? Шу масала республика Олий Совети Президиумининг 27 июлда бўлиб ўтган мажлисида қараб чиқилди.

Олий Совет Президиуми Андижон области ижроия комитетининг раиси П. Қўломовнинг докладини тинглаб, областадаги меҳнатқашлар депутатлари маҳаллий Советлари ҳамда уларнинг ижроия органлари ўз фаолиятини такомиллаштириш, ҳўжалиқ ва маданий курилиш раҳбарлигини яхшилаш йўлида аниқгина ишлар қилганилини уқтириб ўтди. Бу

ишлар ҳалқ ҳўжалиги ва маданияти ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли баъжаришға имкон берди. Андижонликлар беш йилликнинг биринчи йилида саноат ишлаб чиқариш планини 106,5 процент баъжардилар, давлат 527,5 минг тонна пахта ва бошқа кўп маҳсулот топириқлариди. Бу йил области саноат маҳсулотини реализация қилиш етти ойлик планини, пилла ва туҳум тайёрлаш йиллик топириқларини, шунингдек гўшт, сўт, жун тайёрлаш ярим йиллик планини мўд-



Сирдарё области, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик кўтлуг тўйига муносиб меҳнат совғаси тайёрлаш учун курашаётган Пахтакор райондаги «Уч наҳрамон» совхозининг пахтакорлари далаларида мўл ҳосил тўпламоқдалар. Соҳхозда 4,100 гектар майдондаги гўза меҳр билан парвариш қилинмоқда. Соҳхоз деҳқонлари юбелей йилида гектардан 28 центнердан ҳосил кўтариб, ҳосилнинг 100 процентини машиналарда териб олишға аҳд қилишди. Суратларда: 1. Илгор бўлинининг бошқарувчиси Барно Қаршиев (чапда) ва юқори қосилиш бригада бошлиғи Бўри Эсонов пахта далаларида. 2. Соҳхоз далаларида гўза зараркундалариға қарши курашда авиаторлар хизматидан кенг фойдаланилмоқда.

А. Тўраев фотолари.

КУНТАРТИБИДА- ТЕРИМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ҳалқ контроли области, шаҳар ва район комитетлари раисларининг республика кенгаши Топикенда ниски кун давом етди. Кенгашида бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Кенгаш КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг 1972 йилда қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотлари ҳосилини йигиштириб олиш ва тайёрлашни таъминлаш тадбирлари ва жамоат қорвачилигини янада ривожлантириш тўғрйсидаги қарорлари муносабати билан ҳалқ контролларининг вазифаларини муҳокама қилишға бағишланди.

Ҳалқ контроли группалари, район, шаҳар ва области комитетлари раисларининг кўтлугда қишлоқ ҳўжалиқ ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида ҳалқ контролларини фаолиятининг бир қанча актуал масалалари ўртаға қўйилди.

Кенгаш ишида республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриелънц қатнашди. (ЎзТАГ).

Жавоб телеграммаси

Миср Араб Республикасининг Президенти, Араб социалистик Иттифоқининг раиси Анвар Саъд КПСС Марказий Комитетининг Беш секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга жавоб телеграммаси юборди. Телеграмма да бундай дейилди:

«Мамлакатимиз тарихида порлоқ курилиш нуқтаси бўлиб қолди, унинг сивастий, иктисодий ва социал қиёфасини ўзгартирган ҳамда унинг ҳалқ меҳнатчи кучлари иттифоқи раҳбарлигида олға томон ҳаракатини мустаҳкамлаган шонли 23 июль революциясининг 20 йиллиги муносабати билан энг самийий кўтлуглар ва эзу тўйгулар изҳор қилиб лутфан юборган телеграмманингизни зўр миннатдорчилик билан олдим.

Мустамлакчи империалистик кўчлар, озодлик ва тараққийёт душманлари бизнинг революциямизға қарши ва бутун араб миллатига қарши уюштирган фитналар революциямиз кўйлиға тўғроқ бўлди. Революциямиз ана шу фитналарға қарши шонли жанглар қилди, шу жанглар давомида ўз халқининг содқоқати ва матонатни тўғайли, шунингдек, қардош ва дўст давлатларининг бирдамлиги тўғрйли революциямиз халқларининг курашини ривожлантиришға кўмаклашувчи ажойиб ғалабаларға эришса олди. Миср халқи ҳўзирги босқичда мустамлакчи ва ирқчи кўчларининг араб миллатига қарши фитналарини даф этиб, ўзининг бу-

тун ерини озод қилишға, ўз ҳўкумларини қайтариб олишға матонат ва қатъият билан аҳд қилган. Сизлар бизға нисбатан ва араб территорияларини озод қилиш учун, ғалаба учун олиб бораётган курашимизға нисбатан ана бир бор мададорлик ва ҳамкорлиқ тўйгуларини изҳор этганлигиниз учун шахсан ўз номидан, Миср Араб Республикасининг халқи ва Араб социалистик иттифоқи номидан сизларға, КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет Иттифоқи ҳўкумати ва халқига эҳтиром билан чўқур ташаккур ва зўр миннатдорчилик билдираман.

(ТАСС).

МУСОБАҚАДОШЛАР МАКТУБИ Мурдона Меҳнат

Машҳур тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зоя Пуховаға

Вакт пешиндан оғиб қолган эди. Механизатор қиз Мўхтасар Зокирова хонамға шошиб кириб келди. «Маннонжон ака, сизга ивановлик тўқувчи, мусобақадошнингиз Зоя Павловна Пухова газета орқали хат йўллабди», дея менга газетани узатди. Қадрли Зоя Павловна, таниш суратингизни газетанда кўриб, Москвадаги ва сиз Бўзга келгандаги учрашуваримизни беҳитиёр эслаб кетдим. Кейин хатингизни ўқиб чиқиб, беҳад қувондим. Кўнглим тоғдек ўсди. Икки йиллик планини тўлдириб қўйганингиз билан табриклайман!

«Ҳўзирча планға қўшимча тўқиган ҳамма газдаларим 24 минг метрдан ортиб кетди», дебсиз. Бу, албатта, катта ғайрат, тинимсиз меҳнат самараси. Меҳнат жасоратингизға қойил қолдик. Дарвоқе, бу хўшхабарни етказган қизни сиз танийсиз. У ҳам сизға ўхшаган ишчан қиз. Эртаю кеч далада. Тиним билмайди. Тракторидан тушмай гўзасига ишлов бергани-берган. Ҳўжалигимизда унинг олдиға тушадиган механизатор қам Единиғизда бўлса, баҳорда колхозимизға келганингизда дала шийпониде учрашув бўлганди. Ана ўшанда сўзға чиқиб «Илгилар шартномаси қатъиячларини табриклаган шу киз бўлади. Кейин сиз унга ўз қўлингиз билан тўйган газдаларингиздан қийимлик соваға қилган эдингиз. Мўхтасар далалариғизда мўл ҳосил етиштирмайсиз, деб сизға берган ваъдасининг устидан чиқиш учун қормай-толмай ишламоқда.

Ҳўрметли Зоя Павловна, хатингизда СССРнинг олтин юбилейи шарофига эришавотган ютуқларимиз ҳақида бир-биримизни хабардор қилиб борсан, бу тўйға ана ҳам каттароқ ғалабалар билан бориш учун ўзaro маслаҳатлашиб турсан, дўстлик мантиқларини ўзимизса, деб ёзибсиз. Жўда ахш тавлиф. Биз уни банкониғил қабул қилмайсиз. Пахтакорларимиз хатингизни дарбча бригадаларда кўлма-кўл ўтказиб ўқиб чиқилди. Сизға жавоб ёзиш кўз менга топиришди.

Бизнинг ишларимиз ҳам қачки эмас. Колхозимиз давлатға гўшт, сўт, жун, туҳум, пилла сотиш йиллик планларини баъжариб қўйди. Қўзи олиш йиллик плани ҳам тўлди.

Колхоз бўйича 800 гектар ерга чигит экканмиз. Баҳорда ўзингиз иштирокингизда тузилган шартномалар айтилганидек, ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосил кўтарамиз. Етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини машинада териб олимайсиз. Пехтанинг ҳаммасини фақат биринчи сортға ўтказамиз.

Баҳорги ишларимиз яхши бошланди. Чигит барвақт экилиб, беҳадте ундириб олинди. Аммо гўзаларимиз барқ уриб ўсавотан бир пайтада табиий офат юз берди. Енгил, жўла, довул гўзаларини ва бошқа экинларни пайхоналаб, қажраётган кетди. Июнь ойининг биринчи ярмида рўй берган табиий офат эса областнинг деврари барча ҳўжалиқларда қатқалок ҳосил қилди, айрим жойларға ёққан дўл экинларни шикастлади.

Биз ўз бошимиздан бу хил табиий офатларни кўп кечирганимиз. Шунинг учун бу битни салқу дўл, довул олдида эсанкабар, саросиматга тушиб қолмадик. Экинларни дарҳол парварош қилишға киришдик. Уларни ўқитлаб, ишлов бердик. Бир неча кун давомида механизатор ҳам, суви ҳам, оддий кетмончи ҳам тиним билмай ишладик. Қишлоқ меҳнатқашларининг етти яшардан етмиш яшаригача — ҳамма далаға отланди. Улар ҳақиқий қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб ишладилар. Натижада табиий офат эиён етказган асосий майдонлардаги гўза қатор-оралари юмшатиб олдим.

Шундай бўлса ҳам, гўзанинг ривожини бўртурган анча орқада қолди. Чунки табиий офат оқибатида гўзаларнинг бағри ва суви нуқталари эририлган эди. Бу, ўсимликнинг нормал амал олишға салбий таъсир кўрсатди. Гўзаларнинг шикастланганлиги ҳаводан етарли озۇға олиш имконини бермади. Бунинг устиға, ҳарорат ўтган киндагиға нисбатан паст бўлди. Биргина бизнинг ҳўжалигимизда эмас, бутун областада шундай аҳвол рўй берди. Табиатдан эҳсон кутиб ўтirmасдан, ана шу кечикишни ўз меҳнатимиз билан, фақат меҳнатимиз билан бартараф этишимиз лозим эди. Агар шундай қилмасак, эл-юрт олдида берган мўқаддас ваъдасининг урда қиломай ер чиқиб қолмишимиз мумкин. Биз эса бунга ўрғинамаганимиз. Ор-номусимиз бунга йўл қўймайди.

Шуни назарда тутиб, Андижон области партия комитети области меҳнатқашларига мурожаат қилишни лозим топди. Гўза ривожини тезлаштириш учун оқибдан бошлаб зарбдор 60 кунлик эълон қилинди. Обком мурожаоти ҳамма бригадаларда коллектив риваҳида ўқиб чиқилди. Икки ой ичиде қилинадиган ишларнинг режаси тузилди. Гўзани ўнглаш учун астойдил юриш бошланди.



ди. Биринчи навбатда тўпроқни қиздириш чораларини кўрдик. Иккинчи сув олдида ерни чуқур ва яқка эгат қилиб очдик. Азотли ўғитларни 15 юлдан қолдирмай ерга солиб тамомладик. Эланган гўнға фосфор ва калийни аралаштириб солидик. Гўзани уч марта озиклантирдик. Ҳўзир ҳар тўп гўза тақдирини учун курашяпмиз. Ота-она учун фарзандининг каттаси ҳам, қичити ҳам азиз бўлгани каби деҳқон учун гўзанинг бўлиғи ҳам, нимжонини ҳам гўзадир. Нимжон гўзаларини меҳримиз билан, меҳнатимиз билан ердоқлаб, парваришлаб бўлиқ гўзалар қаторига қўшмоқдамиз. Бу ишда механизаторлар жонбозлиқ кўрсатишпти. Мўхтасар Зокирова, Қодир Абдурахмонов, Абдукарим Муродов каби дала гвардиячиларини кўнға икки-уч норма иш баъжармоқдалар. Механизаторларнинг фидокорликлари тўғрйли ҳўзир-җаға гўза қатор оралариға узунасига беш марта, кўндалангига икки марта ишлов берилди.

Бўдалангига икки марта шундай асосан сувчиларнинг меҳнатига, ҳимматига болғидик. Оби-тобиде берилган сув ўсимликка жон киритади, уни яшатиб юборади. Ноурин қўйилган сув гўзани айтиб қўйди. Шунинг учун биз суғоришни алоҳида назорат остиға олдик. Суғоришни кеча-кундуз ташкил етдик. Колхозимизда гўзанинг ранги-рўйига қараб, унинг сувсизган еки сувсаганини бир қарашда биладиган миришкор сувчилар кўп. Қўшоқбой ака Жалолов, Аҳмад Мамажонов, Абдуҷабоҳ Қўчқоров ва бошқа сувчилар кунини туғи, туғини тоғиға улаб ишляпти. Бугунгача гўзамиз тўла икки сувдан чиқиб, учинчи суғоришни бошлаб юбордик.

Яна бир нарсани айтиб ўтишим керак. Табиий офат натижасида гўзаларимиз ҳар хил бўлиб қолганди. Уларни барварлаштириб олгунча озмунча тавр тўқмадик. Бригада бошлиқлари ҳам, мутахассислар ҳам тиним нимайлигини билишган йўк. Улар ҳақиқий аҳволни билиш, аниқлаш учун далаварини оравлаб юришибди. Гўзани бир кун ҳам назоратсиз қолдириб бўлмайди. У жўда нозик паллаға кирди. Ҳўзир гўза қаторсиз қолса касалликка чалинбдиган, ҳашарот билан зарарланадиган даврдир.

Зарбдор 60 кунликни ана шундай ўтказяпмиз. Қилган ва амалға оширавотган ишларимизнинг ҳамма-хаммаси пахтини тез етиштириш, уни эртанги қилиб олишға қаратилган. Қимчи, тинимсиз ҳалол меҳнат қилса, у албатта муродига етди. Тадбиркорлик, қатъиятлик билан қилган ишларимиз беҳуде кетмади. Гўзаларимиз бултурги даражаға етай деб қолди. 50 центнерга чилла харақатига қўшилган Нуъмонжон Қўшмонов, Олимжон Мамажонов бошлик бригадаларда ҳар гўза 14-15 шох бўлди. Ҳар тўп гўзада 8-10 талдан кўсан бор.

Қийинчиликлар ортда қолмоқда. Далаларимизда мўл ҳосил тўпланмоқда. Биз уни эртанги қилиб, тез ва саз териб олиш учун ҳамма имкониатларимизни ишға соламиз. Сўз—тўқимачиларға фақат биринчи сорт пахта етказиб берамиз. Баҳордаги ўша сўзимиз—сўз. Ваъдасининг устидан албатта чиқамиз.

Маннон ЖАЛОЛОВ,
Андижон области Бўз районидидаги «Партия XX съезди колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутаты.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ИРКУТСК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
КОМЕДИЯ ТЕАТРИ КОЛЛЕКТИВИНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Навоий, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида меҳнатқашлар орасида музика маданиятини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган гастролларини муваффақиятли ўтказадигани учун Иркутск давлат музикали комедия театри коллективини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиги билан мукофотлашсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Х. ПЛАТОВА.

1972 йил 27 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. В. КАРПОВГА «ЎЗБЕКИСТОН
ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ
УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини соҳасидаги ва республика меҳнатқашларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикасидаги В. В. Карповга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Х. ПЛАТОВА.

1972 йил 27 июль.
Тошкент шаҳри.



Чирчиқ трансформатор заводи. Ўзбекистондаги энг йirik корхоналардан бири. Завод коллективни СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги шарафига сийдирилган меҳнат ичи, катта ютуқларни қўлга киритганда. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот Иттифоқиимиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур.

Суратда: трансформатор цехи ном. сомон-йиллар бригадасининг бошлиғи Дарвин Валиев, (чапда) унинг бригадаси кунини топишнинг мунтазам равишида ошириб адо этмоқда. Шу бригада аъзолари, трансформатор йиғувчилар — Нури Сейтосманов ва Александр Баравлар (ўртада) ва слесарь-йиғувчи Александр Кожеников (ўнгда) би бўлишларига қарамай яхши ишлаб коллектив хурматини қозонишмоқда.

И. Глауберзон фотопари.

ДИРЕКТИВА ОБЪЕКТАРИ ИУҚЛАМАСИ

Ўрта Осиё халқлари Амударёни обихайёт манбаи деб атайдилар. У Қорақум ва Қизилқум чўллари оралаб ўтиб, айрим жойларда бир километргеча кенгайиб, соҳиллари дийдириб бормоқда.

Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг, қардош халқларнинг жуда катта ёрдами туфайли Амударё бўйларида социалистик шаҳарлар ва посёлкалар қад кўтарди, замонавий гидротехника иншоотлари эга бўлган жуда кўп каналлар қурилди. Қорақалпоғистон қолқоз ва соҳилларида пахта, шoli ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги муттасил кўпайиб бормоқда.

Халқ хўжалиги соҳасида КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларнинг буюк қўлими, экинчиларнинг жуда кенгайириши, мустақам сув таъминоти бўлганда келтириш зарурати сув манбаларидан тўла-тўқон фойдаланишни талаб қилади. Амударё бўйида қурилган ва тахиятош ёнидаги дарёнинг тор жойида савлат тўқиб турган муҳташам гидротехника иншооти ана шу вазифаларни ва бошқа жуда муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Партия билан ҳукуматнинг Тахиятош гидроузелини қуриш тўғрисидаги қарори уларнинг Хоразм воҳасида экономика ва маданиятни равиш топириш тўғрисида доимо қилаётган там хўрлигининг янги ифодасидир.

Нобб гидротехника иншоотининг лойиҳасини «Среднепроект» институтини ишлаб бери.

Олимлар билан инженерлар қийин муаммолар қад қилдилар. Улар қўмлон ва нураб кетаваридан замонавий гидротехника объектлари қуриш соҳасида Батанимизда ва чет элларда ортирилган тажрибани ўрганиб, иншоот тўғрисида Амударёнинг қўмлоқ ўзигада муваффақиятли равишда жойлаштириш йўлини топишди.

Тахиятош гидроузели жуда катта истиснолар очиб беради. Бу гидроузел тахиятош туширилган, каналлардаги обихайёт иншоотлардан анд ортада суровиданган ерлар бир неча юз минг гектар кенгайирилади. Дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, янги нелажада Амударё этакларининг деҳқонлари малакатга 600-650 минг тонна пахта, 300-350 минг тонна шoli, етказиб берадиган бўлади.

Гидроузел дарёнинг қўни оқимида нема қатнови ва баллиқ овлаш шароитларини яхшилашга ёрдам беради. Амударёнинг ўнг ва сўл соҳиллари ўртасида автомобил ва темир йўл қатновини таъминлашдек жуда муҳим проблемани ҳал этади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Тахиятош билан Автоном республиканинг пойтахти — Нукусни туташтирадиган темир йўлини

АМУДАРЁДАГИ БУЮК ГИДРОТЕХНИКА ИНШОТИ

қуришга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Асов Амударёни жойлаш тўғрисидаги Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг асрий орузи рўёга чиқиб, дарё совет кишиларининг иродасига бўйсунмоқда, унинг бойликлари халққа хизмат қилдирилмоқда. Бунинг учун Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига чексиз миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар. Пахта, шoli, гўшт, сут ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини еттиштиришни янада кўпайтириш, халқ хўжалиги ва маданиятининг ҳамма тармоқларида янги муваффақиятларга эришиш ана шу миннатдорчилигининг моддий ифодаси бўлади.

Амударёдаги гидроузели «Тахиятош гидроэнергострой» бошқармасининг уч минг ишчилик коллективини қўймоқда. Тўғон қуриша бошлагандан бери катта ҳаммада иш қилинди. Ишга туширилгандаги комплексда ҳозиргача 59,2 миллион сўм капитал маблаг ўзлаштирилди. 13,8 миллион куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Гидроузел атрофида 175 минг куб метр яқин ва йинма темир-бетон ётирилди, 150 минг куб метр филтър ва тош ағдарилди, 3300 тонна металл конструкция монтаж қилинди. Саноат ва граждон қуришда катта ҳаммада ишлар бажарилди.

Гидроузелини қуришда Москва, Ленинград, Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги ўнлаб корхоналар ёрдам бермоқда, турли-туман машина-ускуналар ва материаллар узлуқсиз келиб турибди. Масалан, Ленинграддаги гидротехника ускуналари заводи Тахиятош гидроузели қурувчиларига ҳар бири 40 тонна оғирликдаги нобб сегмент заворлар етказиб бери.

Бўлажак азам иншоот қандай қиёфага кирини қўни сайин равишан бўлиб қолмоқда. Гидроузелнинг тўғонидан плиталарга, тўғонларнинг биринчи қаватига бетон ётиқиб бўлиди, усти ва қўни тўғоннинг суви йўналириб турирчи дамбалари қўлдан чиқазилди. Айланма канал — дарёнинг бўлажак сувиий ўзанига сув қўйилди.

Беш юз метри қатновимон тўғон гидроузелининг асосий иншооти бўлади. Унинг составида сув тиндирилгандаги жойлар, айланма каналлар, баллиқ ўтказиш қурилмаси, бош ре-

Қ. КАМОЛОВ,

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари.

гулятор, магистрал каналларга сув тақсимлаш қурилмалари, кемаларни ўтказиб юборадиган шлюз, канал ва тўғондан ўтиладиган автомобил ва темир йўл кўприклари бўлади. Архитектура-бинокорлик комплекси — минора шаклида қурилган йироқдан бошқарилган диспетчерлик пунктнинг тўрт қаватли биноси, хизматчилар ишлайдиган корпус гидроузелининг ҳуснига ҳус қўшади. Бу корпусда кино зали, музей ҳамда ўнг соҳилда теваран атрофи томоша қиладиган майдонча ва чап соҳилда йинрма метрлик малк ётдорлик бўлади.

Гидроиншоот қурувчилари КПСС Марксий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланган Бутуниттifoқ социалистик мусобақасини яқунлаш тартиби ва шу мусобақа қўлибларини рағбатлантириш тadbирлари тўғрисидаги қарорига амалий ишлар билан жавоб бериб, СССРнинг ярим асрий юбилейини муносиб кутиб олиш учун қуриш, гидроузелининг биринчи навбатини В. И. Ленин туғилган кун — 1973 йил 22 апрелгача ишга тушириш мажбуриятини олдилар. Тахиятошликларнинг қимматли ватандарварлик ташаббусини область партия комитети маъқуллади. Ишга туширилгандаги объектлардаги энг зарур ишлар шу йилнинг ўзидаёқ тугалланади.

Йилининг иккинчи ярмида гидроиншоотлар 10,6 миллион сўм, янги планда белгиланган бир миллион сўм кўп капитал маблагини ўзлаштиришга қарор бердилар. Улар 2,1 миллион куб метр тупроқ ишларини бажаришлари, 100 минг куб метр филтър ва тош ағдариллари, 72 минг куб метр бетон ва темир-бетон ётиқизиллари, 195 та металл устуни ўрнатиллари, 4200 тонна металл конструкция монтаж қилишлари, 1860 тонна металл шпунт қоқишлари лозим.

Ана шу катта қурилиш программасини муваффақиятли бажариш учун ҳамма шароит яратилган. Қурилиш йил охиригача керак бўладиган ҳамма асосий қурилиш материалла-

ри билан таъминланган, қудратли ер қазиш техникаси, юк кўтариш, ортиш-тушириш машиналари ва бошқа механизмлар билан қуролланрилган.

Қурилишнинг мустақам саноат базаси барпо этилган. Темир-бетон буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқарадиган катта завод, асфальт-бетон заводи, автобаз, турли ёрдамчи цехлар қурилган. Энергетиклар шахрининг илгари ҳўвўлаб ётган жанубий чеккасида замонавий микрорайон қад кўтарди. Унда гидроиншоотчиларнинг қозлаб оилалари яшамоқда.

Зарбдор комсомол қурилиш гидроиншоотчи кадрларни тарбиялаш мактаби бўлиб қолди. Қорақалпоғистоннинг энг узоқ овулларида ҳам бу ерга келаятган йигит-қизлар малакали мутахассислар бўлиб етишмоқдалар. Коммунистлар билан комсомоллар СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақадан пешқадамлик қилмоқдалар.

Коммунист Ўрнига Кенебев ўз укалари билан қуришга биринчилар қатори келди. У шу ерда газ-электр пайвандчи ихтисосини ва бошқа бир қанча касбларни ўрганиб олди. У. Кенебев Меҳнат Қизили Байроқ ордени, Ленин юбилей медали, Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди, Автоном республика Олий Советининг депутаты қилиб сайланди. У Қорақалпоғистон партия ташкилотининг делегати сифатида КПСС XXIV съезди ишида қатнашди.

Солиқ чўпон Қўлқасар Кузенов ҳозир катта комплекс қурилиш бригадасига бошлик қилмоқда. Унинг қўлида порлаб турган Ойтор Революцияси, Меҳнат Қизили Байроқ, «Хурмат Белгиси» орденлари шавкатли меҳнат дилидир. У қурилиш партия комитетининг аъзолигига сайланган.

Коммунистлардан дурадгорлар бригадир Шарифулло Нурдодов, бетончи Кенжагул Нирмбетова, шофер, автобаз бошлангич партия ташкилотининг секретари Петр Краев, бригадир Зубайда Гареева ва бошқалар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Маҳаллий ёшлар орасидан ишкер кадрлар ҳўвў етишди. Ойингоди Нурталиев бошлик биринчи қурилиш участкасининг коллектив юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришди.

Область партия комитети юқори малакали,

СССР-50 ЛАТВИЯ ХАФТАЛИГИ

МУСОБАҚАДАН МАҚСАД — ЁРДАМЛАШИШ

Александр Грассинг меҳнат дафтарасида «Иш ҳақида маълумотлар» деган қисмида ВЭФ заводида қабул қилинди, деган биттигина ёзув бор. У завод дарвозасидан биринчи марта кирганида ўсимир эди. Шундан буюн корхонада ишламоқда.

Бир вақтлар мен ишга кирган ВЭФдан фақат ному ва завод амблемасинигина қолган, дейди Александр Эдуардович, гитлерчилар Ригадан қочаётганларига заводдаги ускуналарни, асбобларни, ҳамма қимматли нарсаларини олиб кетилган, қолганларини эса йўқ қилиб ташлашган. ВЭФнинг оёқда туриши учун, улар йиллар керак бўлиб деб ўйладилар. Лекин бутун мамлакат ёрдамга келди.

Икки йилдан сар қамроқ вақт ичида завод тўла тикланганига қолмай, урушдан олдинги даражадан ўнб кетди. ВЭФ йил сайин ўсиб, кенгайди ва ҳозир Латвия индустриясининг асосий корхоналаридан бири ҳисобланади.

нинг ҳаммаси корхонага икки ярим миллион сўмга тушди. Лекин чийимлар теъда қолганиб кетди. Янги техника вэфицларга бир беш йилликнинг ўзидагина ишлаб чиқариш ҳажминини бир ярим баравар кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг танларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бери.

Коллектив бундай улкан ва мураккаб ишни ёлғиз ўзи бажара олмас эди. Ўхшаш корхоналар меҳнаткашлари билан ҳамкорликда бу ерда янги маҳсулотлар, янги технология яратилмоқда.

Вэфицлар Ленинграддаги «Красная зоря» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини билан ўн беш йилдан буюн мусобақалаштирилди.

Бизнинг икки алоқаларимиз, дейди бирлашманинг бош директори Н. Р. Смирнов, — Улут Ватан урушидан сўнгги дастлабки йиллардаёқ вэфицлар келди. Уша вақтда биз бир хил қийинчиликларни енгишга интиладиган эдик: ишлаб чиқариш цехлари вайрон бўлган, ускуналар ва мутахассислар етишмас эди. Аммо йирик телефонли буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда вэфицлар ёрдамга муҳтож бўлиб қолганларидан коллективимиз уларнинг иттимосини ерда қолдирмади.

Техника тараққиёти самараларини ҳар икки корхона баҳам кўрмоқда. Қўпгина ютуқлар ана шундай ҳамкорлик натижасидир. Бундан ўн беш йил аввал социалистик мусобақа ҳақида биринчи шартнома имзоланганда ўхшаш корхоналар ҳастада янги босқичга бошланди. Вэфицлар яратган реале пружиналари ишлаб чиқариш учун автомат қўйиш, пластмасеа деталларни қўйиш учун машина, автомат телефон станцияларини йиғиш ва реале конвейер линиялари, пайвандлашнинг янги методи, янги автоматлар, станоклар, мосла-

малар — буларнинг ҳаммаси «Красная зоря»нинг бош корхонасида ҳамда Ленинград бирлашмасининг бошқа заводларида қўлланила бошланди. «Красная зоря» да яратилган энг яхши нарсалар Рига заводи цехларида қўлланилди.

Вэфицлар ва «Красная зоря» меҳнатчилари ҳар йили икки марта мусобақадан яқун ясайдилар. Биринчилигини тох у коллектив олса, тох бу коллектив гўлиб чиқади. Лекин, қайси коллективнинг гўлиб бўлишидан қатъий назар, бу мусобақадан ҳар икки томон манфаатдор.

Корхоналар ўртасида расмий социалистик мусобақа шартномалари имзоланмадан турибюк бригадидан конструкторлик ишлари бажариш бошланган эди. 1946 йилда заводларнинг мутахассислари қисқа вақт ичида область ва районларда алоқа узеллари учун биринчи шаҳарлараро телефон станцияларини яратган эдилар. Сўнгги вақтлардаги ҳамкорлик туфайли шаҳарлараро «АМТС-2» телефон станцияси яратилди. Бу станция ВЭФ заводидан Я. Кришянис ва «Красная зоря»дан лабораториялардан бирини бошлиғи, техника фанлари кандидати Н. Соловьев бошлиқ лигиданги конструкторлар коллектив томонидан яратилди.

ВЭФ заводининг йирик телефонли цехи коллектив «Красная зоря»нинг худди шундай цехи билан ўн беш йилдан буюн мусобақалашмоқда. Уларнинг мусобақа тўғрисидаги шартномаларида «Ҳар икки коллектив ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ва қийинчиликларни енгишда бир-бирига ёрдам бериш мажбуриятини олади» деган модда ҳўвў бор. Асбобозлик цехи ишчилари эса меҳнатдагина эмас, спортда ҳам мусобақалашмоқдалар. Яқинда бу цех футболчилари ленинградлик ҳамкасблари билан учрашдилар. Бадийи ҳаваскорлик кол-

лективлари ҳам тез-тез меҳмон бўлиб туришади.

Икки коллектив мусобақасининг бориши «Вэфец» ва «Красная зоря» кўп тиражли газеталарида кенг ёритилмоқда.

Яқинда «Советская Латвия» газетасида вэфицларнинг «Красная зоря» коллективини билан мусобақасида 1972 йилга олган мажбуриятлари эълон қилинди. Ленинградликлар эса ригаликлар қақирғига жавобан ўз зиммаларига янги социалистик мажбуриятлар қабул қилиб олдилар.

Янги беш йилдан ВЭФ заводи коллектив ишлаб чиқариш ҳажмининг 65 процент, мамлакатимиз учун жуда зарур бўлган шаҳарлараро автомат телефон станцияси ишлаб чиқаришнинг 10 баравар, телеграф станцияси ишлаб чиқаришнинг 7 баравар кўпайтиришлари керак. Бунга эса меҳнатчилар сонини кўпайтириш, ишлаб чиқаришнинг механизациялаш ва автоматлаштириш негизинда, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Бу катта ва масъулиятли вазифани бажаришда «Красная зоря» коллективини билан амалий мусобақа жуда яхши омил бўлади.

Сўнгги йилларда вэфицлар ана бир ўхшаш корхона — Пермь телефон заводи коллективини билан мустақам алоқа ўрнатдилар. Мусобақадорлар бир бирларининг тажрибаларини ўрганиб, техника ютуқларидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришда, унинг самардорлигини оширишда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. СССР ташкил этилганлигининг шонли 50 йиллигини ўхшаш корхоналар билан алоқаларини мустақамлаш, социалистик мусобақада янги муваффақиятлар билан кутиб оламиз.

Б. ГЕИМАН,
«Вэфец» кўп тиражли газетасининг редактори.



Латви халқининг санъати гуллаб яшамоқда. Республикада ВЭФ заводининг «Ротал» расе ансамбли айниқса машҳурдир. Бу ансамбл коллективни социалистик мамлакатларда ҳам ўз маҳоратини намойиш қилган. Юқоридан суратда: «Ротал» ансамбли иккинчиси, 132-болалар боғчасининг тарбиячиси Даце Ашмане. Пастдаги суратда расмю Хейно Арранинг «Қизил байроқ йиллигини» деб аталган асари тасвирланган.

Б. Клиппинцер фотоси.

КИТОВЛАР ОЛАМИДА

«ҚУЁШ ИНСОН ХИЗМАТИДА»

Яқинда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти республика Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Г. Е. Умаров билан журналист А. А. Ершовнинг «Қуёш инсон хизматида» деган қизқарли оммабоп китобчасини нашрдан чиқарди.

Тасаввур қилинг... Ўрта Осиё территориясининг бутун сатҳини йиллига қилинган ярим метр келадиган ўзига хос тох қўйиш қатлами қоплайди. Бу антика қатлам ҳамма ерда — дала ва тоғларда, шаҳарларнинг қўча ва ҳўвўларларида, уй тоғларидан боғ-роғларда ётади. Бу ёқилгини бирон ердан келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ-шундайгина таппа-тайёр бўлиб уйинга келиб турибди, ол-да, ҳўҳлаганча ишла тавар. Йил ўтиши билан бу қатлам ана янгилашаверади. У ҳеч қачон таямол бўлмайди. Гарчи биз ҳар қуни ана шу қаройиб «қўйи» устидан қадам ташлаб юрсак ҳам, бунга унчалик эътибор бермаймиз.

Ҳўш, бу қўйга қўрнмайдиган «қўйи» нима ўзи? Бу «қўйи» олимларимиз аллақачонлардан буюн «сарик қўйи» деб атаб келаятган қўй энергиясидир! Аниқ ҳисобларнинг кўрсатишича бир йилда ўлкаимизнинг ҳар бир квадрат метрига бу энергиядан ўзимизнинг оддий Оҳангарон тох қўйирининг тахминан ярим метри қатламига тенг келадиган даражада қўп тушади.

Талай вақтлардан буюн ана шундай катта бойликдан фойдаланимай келинади. Ёқилгич қўйи эҳтиёж эса жуда катта. Баъзи ерларда бу ҳўл ҳозирчи унча сезилимаётган бўлса, бошқа ерларда бугунги куннинг асосий проблемасига айлиб қолди. Бу ҳолни жаҳоннинг барча қиъраларида ҳам қўриш мумкин. Айрим иқтисодчиларнинг ҳисобларича, энг сўнгги тонна нефть ер остидан XXI асрининг бошларида қазиб олиб бўлинеди. Тошқўйи ва табиий газ запаслари ҳам охири тугайди.

Қуёш эса секундига тахминан тўрт миллиард тонна водородни истеъмол қилиб, уни гелийга айлантирадиган гигант термоядр реактордир. Бунинг натижасида ундан жуда қўп микдорда энергия — нур ва турли зарралар ажралиб чиқади.

Ана шу улкан энергиянинг унча катта бўлмаган улуши — тахминан икки миллиарддан бир бўлган бизнинг планетамизга тушади. Қани энди шундан тўла фойдаланишни имкони бўлса! Бир йил мобайнида Ер қурраси қўйи, дала дундаёқ барча маълум бўлган қонлардаги ёқилги энергиясига нисбатан қўрқ микдорда энергия олади. Масалга чуқур роқ қаралса, ҳозирги кунда қуёш олинаятган ёқилги ҳам қўйи энергиясининг узоқ вақтдан буюн ўсишлик дунёси қолдиқларида сақланган, яъни консервланган тури, ҳолос. Қўйаверса, доралар ҳам энергияни қўйишдан олади.

«Қуёш ёқилгисини инсоният учун битмас-туғамас ҳазин а в и р Олимларимизнинг сўнгги йилларда ёрдамга ва икискиннинг абадий манбаи бўлган қуёшга тобора кўпроқ уним билан қараватганликлари бекиз эмас. Қуёш ерг бўтун инсониятнинг эҳтиёжини қондирш мумкин бўлган миқдордаги энергиядан мўлроқ энергия юбурди.

Шундай экан, нима учун санъатимизда шу вақтгача қуёш энергиясидан кенг фойдаланимай келаяди, деган савол туғилиши табиий. Олимлар бунга сабаб қилиб бу энергиянинг жуда тарққлигини айтишлар. Демак, қуёш энергиясини «тўллаш» яъни концентрациялаш ва аккумуляция қилиш усулларини топиш тадқиқотчиларнинг муҳим вазифасидир.

Ушбу китобдада Ўзбекистон олимларининг гелио-техника соҳасига қўйиётган ҳиссалари, Ўрта Осиё шароитида гелиотехника қурилмалардан халқ хўжалигида фойдаланиш, улардан олинадиган иқтисодий самара ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобча кенг оммага мўлжалланган.

О. ИБРОҲИМОВ.

